

Ташхис («жонлантириш») хайвонлар, кушлар, жонсиз нарсаларга инсон хусусиятларини кўчириш санъатидир. Масалан, Лутфийнинг

Кун пардага кириб юзунг ойи хаёсидан
Йиглар ўзию, орага тортар сахобни

байтига диккат килсак, куёшга инсоннинг уялиш, йиглаш каби хусусиятлари
кўчирилганини кўрамиз. Навоийнинг

Катра конларким томар кўксумга урган тошдин,
Захмдиндур демаким, кон йиглар ахволимга тош

байтида тош инсонга хос йиглаш хусусиятини касб этган. Огахий битган

Гули рухсорини ногах тамошо айласа булбул,
Фигонлар тортибон ўтлуг гули ахмарни ёд этмас

байтида эса булбул кийёфасида инсонга хос томоша килиш хусусияти ифодаланган.
Фуркат каламига мансуб

Кўрганда коматингаз бўлгай хижил сановбар,
Товус жилвасидин рафторингиз чиройли

байтида сановбар хижил бўлади, товус жилва килади. Булар инсоний хусусиятлар,
албатта.

Бадий ижодда инсонга хос хусусиятлар факат хайвонлар, кушлар, аник нарсаларгагина
эмас, мавхумий тушунчаларга ҳам кўчирилади. Чунончи, Алишер Навоийнинг

Муграйиб андок синук кўнглум бузулурким, сипехр
Булъажаб холимга юз минг кўз била хайрон бўлур

байтида мавхумий тушунча бўлган сипехрга инсон харакати кўчирилган бўлса,
Фуркатнинг

Агар келса, кетар холим кўрубон
Ажал жонимни олмасдин уёлиб

байтида мавхумий тушунчани ифодаловчи ажал инсонга ўхшаб харакат килади.
Хайвонлар, кушлар, жонсиз ва мавхумий нарсаларни шу хилда тасвирлаш воситасида
шеърий асар муаллифи илгари сураётган муайян гоёлар аниқрок ифодаланади,
тасвирланаётган лирик ёки эпик тимсоллар ёркинлик, жонлилик, жозибаторлик касб
этади.